



“БУЮК ИПАК ЙЎЛИ” МАЖМУАСИ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁГА КЕНГ ОЧИЛАЁТГАН ДАРВОЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказининг очилиш маросимида иштирок этиш учун 23 август куни Самарқандга келди.



Марказдан ўрин олган “Боқий шаҳар” мажмуаси ҳовлисида самарқандлик нурунийлар, зиёлилар билан самимий суҳбат бўлди. Ушбу иштироклар хайр-баракали бўлишини, бундай яхшиликлар кўпайишини тилаб, дуо қилинди.

Шундан сўнг “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Унда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, барчани ушбу қувончли воқеа билан табриклади.

— Халқимизнинг ақл-заковати ва фидокорона меҳнати билан бунёд этилган ушбу мажмуа Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги яна бир салмоқли, зафарли натижа бўлди. Қадимий ва навқирон Самарқанд бағрида қад

ростлаган мана шундай замонавий, улуғвор меъморий мажмуа барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин, буюрсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Самарқанд — миллий давлатчилигимизга асос бўлган, тарихимиздаги иккала Ренессанс даврида ҳам муҳим ўрин тутган шаҳар. Шу боис, сайёҳлар бу ерга асосан қадимий обидаларни

қўриш ва табаррук жойларни зиёрат қилиш учун келар эди. Туризмнинг бошқа йўналишлари учун замонавий мажмуалар йўқ эди.

2019 йилда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан катта амбицияли лойиҳа бошланди — Самарқанд туманидаги эшак эшик канали бўйида, 212 гектар майдонда улкан

мажмуа қуришга киришилди. Аввало, тажрибали меъмор ва муҳандислардан иборат халқаро жамоа жалб этилиб, пухта лойиҳа ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари бу ерга бир неча марта келиб, қурилишни миллий меъморчилик аъёналаримиз ва одамларга қулайлик жиҳатидан такомиллаштириш бўйича тавсиялар берди. Бунёдкорлик

ишларида малакали қурувчиларимиз билан бирга Туркия, Буюк Британия, Италия каби давлатларнинг етук мутахассислари иштирок этди.

Шу тариқа қисқа вақтда, пандемиядаги қийинчиликларга қарамай, ушбу улкан мажмуа қуриб битказилди.

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИ САМАРҚАНД: ВОҚЕЛИККА АЙЛАНГАН ОРЗУ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА “БУЮК ИПАК ЙЎЛИ” ХАЛҚАРО ТУРИЗМ МАРКАЗИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли Самарқанд аҳли!

Муҳтарам меҳмонлар!
Бугун сиз, азизлар билан, барчамиз учун қадрли бўлган Самарқанднинг янги қиёфасини белгилаб берадиган муҳташам мажмуа — “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросимида учрашиб турганимдан хурсандман.

Халқимизнинг ақл-заковати ва фидокорона меҳнати билан бунёд этилган ушбу мажмуа Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги яна бир салмоқли, зафарли натижа бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Қадимий ва навқирон Самарқанд бағрида қад ростлаган мана шундай замонавий, улуғвор меъморий мажмуа барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин, буюрсин!

Азиз юртдошлар!
Ҳаммамизга яхши маълум, Самарқанд — миллий давлатчилигимиз ва умуман, жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўринга эга. Ушбу боқий шаҳар тарихимиздаги иккала Ренессанс даврининг юзага келиши ва ривожига муҳим роль ўйнаган.

Буюк Амир Темура бобомиз ўзи барпо этган қудратли салтанат учун айнан Самарқанд шаҳрини пойтахт

этиб белгиланган ҳам албатта бежиз эмас.

Ушбу заминда шаклланган қутлуғ аъёналарини изчил давом эттирган ҳолда, Самарқанднинг қадимий шухратини тиклаш мақсадида охириги йилларда уни янада кўркам ва обод қилиш, чинакам халқаро туризм марказига айлантириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширмоқдамиз.

Янгидан қурилиб, бугун очилаётган “Буюк ипак йўли” маркази шу йўлдаги яна бир улкан қадам бўлди. Йилига 2 миллион туристга хизмат қиладиган бу кўп тармоқли марказ тарихида “Боқий шаҳар” мажмуаси, Конгресс ҳолли, 8 та

замонавий меҳмонхона, амфитеатр ва кўплаб бошқа объектлар мавжуд.

Биз марказ лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш учун тажрибали меъмор ва муҳандислардан иборат халқаро жамоани жалб этдик. Улар тайёрлаган лойиҳани миллий меъморчилик ва шаҳарсозлик тажрибамиз, иқлим шароитимиздан келиб чиқиб, қайта-қайта муҳокама қилдик ва такомиллаштирдик.

Бу улкан марказ буюк аждоқларимиз бунёд этган муҳташам меъморий обидаларга муносиб бўлиб, уларнинг тарихий аъёналарини давом эттиради. Ушбу мажмуа мамлакатимизда ҳозирги пайтда пойдевори қурилиши бошланган

Учинчи Ренессанс ва олдинги тарихий даврлар ўртасидаги рамзий кўприк бўлади, деб ишонаман.

Бунёдкор халқимиз, юқори билим ва тажрибага эга инженер-мутахассисларимиз, навқирон ёшларимиз ана шундай ғоят мураккаб ва ноёб лойиҳани амалга ошириш учун хорижий ҳамкорларимиз билан қўли қўлга бериб, фидокорона меҳнат қилдилар.

Шу ўринда Туркия, Буюк Британия, Италия каби давлатларнинг юксак малакали инженер ва техник мутахассислари қурилиш жараёнида фаол иштирок этганини алоҳида қайд этиш лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда қатнашаётган чет эл дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакилларини самимий қўллаб, Ўзбекистон билан кўп қиррали алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганлари учун уларга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Бундан кейин ҳам сизларнинг шарафли фаолиятингизда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, жумладан, туризм соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш — устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади, деб умид қиламиз.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА СЕЗИЛАРЛИ ЮТУҚЛАРНИ ҚАЙД ЭТДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 август куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йил июнь ойида ўтказилган олий даражадаги учрашувлар якунида эришилган келишувларни амалга оширишда сезиларли ютуқлар мамнуният билан қайд этилди.

Август ойи бошида қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ҳамда Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия ташқи ишлар, транспорт ва савдо вазирларининг биринчи учрашуви самарали ўтказилди.

Жорий йилда ўзаро товар айирбошлаш 70 фоизга ошди. Қишлоқ хўжалиги, ипакчилик ва тўқимачилик саноати, машинасозлик, кимё ва бошқа тармоқларда қўшма кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бошланди. Ўзбекистон — Озарбайжон инвестиция фондини тез фурсатда ишга тушириш ишлари олиб борилмоқда. Маданий-гуманитар алмашинув кенгаймоқда.

Давлат раҳбарлари амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш лозим эканини таъкидладилар. Шу маънода, келгуси кузда икки мамлакат ҳудудлари форуми ва саноат

салоҳияти кўргазмасини ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди. Бўлажак кўп томонлама учрашувлар, шу жумладан, Самарқанд шаҳридаги Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитларининг режаси ва кун тартиби кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек очик, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган камровдор ислохотларнинг асосий мақсади инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати, қонуний эҳтиёжлари ва манфаатларини, бир сўз билан айтганда, инсон қадрини ҳар томонлама ҳимоя қилишдир.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таърифлаганидек, “Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз. Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш беришни тушунамиз”.

▶ Давоми 3-бетда

ЯНГИ САМАРҚАНД: ВОҚЕЛИККА АЙЛАНГАН ОРЗУ

“БУЮК ИПАК ЙЎЛИ” МАЖМУАСИ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁГА КЕНГ ОЧИЛАЁТГАН ДАРВОЗАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА “БУЮК ИПАК ЙЎЛИ” ХАЛҚАРО ТУРИЗМ МАРКАЗИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Қадри дўстлар! Ушбу янги кўркам мажмуага “Буёк ипак йўли” деб ном берганимиз замирида чуқур маъно бор. Асрлар давомида Хитойнинг қадимий Сиан шаҳридан бошланиб, дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳудудидан ўтган ва кўҳна Римга қадар етиб борган бу улкан савдо йўли жаҳон халқлари ўртасидаги иқтисодий, маданий-маърифий мулоқот воситаси бўлиб келган. Азим Самарқанд эса Буёк ипак йўлининг асосий манзилларидан бири бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Шуни ҳисобга олиб, биз янги марказдаги биноларда Буёк ипак йўли даврига оид тарихий манзараларни ҳам акс эттирдик. Масалан, “Боқий шаҳар” мажмуаси безакларида қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган Сўғд давлати ҳукмдорининг Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаландик. Уйлайманки, ана шу давлатларнинг элчилари ва хорижий сайёҳлар ҳам ушбу тасвирлар билан танишиб, ўз юртлири тарихини шу ерда кўргандек бўлади.

Биз Буёк ипак йўли орқали ривожланган ана шу тарихий аъёнларни бугун тараққиёт, маданият, дўстлик ва ҳамкорлик йўли сифатида қайта тиклашга интиломқамиз. Шу мақсадда дунё ҳамжамияти билан турли соҳалардаги алоқаларни кучайтириш, мамлакатимизга замонавий илм-фан ютуқлари, юқори технологиялар, инвестициялар, янги, илғор ғоялар кириб келиши учун шароит яратмоқдамиз.

Умуман, “Буёк ипак йўли” мажмуаси Ўзбекистоннинг дунёга кенг очилаётган яна бир дарвозаси, десак, аниқ ҳақиқат бўлади.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари! Самарқандни йирик туризм марказига айлантиришда “Боқий шаҳар” меъморий ансамбли алоҳида муҳим ўрин тутаяди. У келгусида бугун Самарқанднинг ўзига хос “ташир қозғи”га айланади, деб ишонаман.

Ушбу мажмуа ҳар қандай сайёҳни қадимий афсоналар оламига, тарихий обидалар дунёсига олиб кирадиган том маънодаги ноёб лойиҳадир.

Қадимий услубда барпо этилган 14 та ҳудудимизга хос 40 та ҳунармандлик устахонасининг ҳар бири бетақрор қиёфага эга.

Қўлигул усталар ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, ипак қоғоз ишлаб чиқариш, заргарлик ва гилам тўқиш жараёнлари орқали сайёҳларнинг кўз ўнгига маҳорат дарсларини олиб борадилар. Хусусан, Риштон кулолчилиги, Бухоро зардўзлиги, Қорақалпоқ ўтови, Марғилон атласи каби ҳунармандчилик маҳсулотлари сайёҳлар учун амалий санъат дурдоналари сифатида тақдим этилади.

Бу ерга қадам қўйган инсон нафақат қадимий Самарқанд бағрида, балки бугун Ўзбекистон заминида юргандек бўлади, унинг бор улғуворлиги ва беқеъи жозибасини ҳис этади.

Ушбу гўзал масканда 280 минг туп манзарали дарак ва буталар экилди, 170 гектар яшил ҳудудлар яратилди.

Албатта, марказ ишга тушиши натижасида юртимизда туризм соҳасини янада юқори босқичга олиб чиқиш учун кўшимча имкониятлар очилади.

Шу ўринда бир рақамга эътибор беринг. Бундан 3-4 йил олдин Самарқандга ташриф буюррадиган маҳаллий ва хорижий туристлар сони 500 минг нафардан ошмас эди. Ҳозирги кунда туризмни ривожлантириш бўйича ислохотларимиз, кўлиб инвестициявий муҳит яратиш бўйича саъй-ҳаракатларимиз туфайли Самарқандга келаётган хорижий туристлар сони 2 баробар кўпайди.

Бу маррани янада юқори олиш учун барча имкониятлар етарли. Хусусан, келгуси йилларда Самарқандга келадиган хорижий туристлар сони 1,5 миллиондан ошириш бўйича чоралар кўриломқамиз.

Шу мақсадда вилоятдаги 50 га яқин маданий мерос мажмуаларини реставрация қилиш ҳамда 600 дан зиёд замонавий меҳмонхона ва меҳмон уйлари барпо этиш юзасидан аниқ режалар қилинган.

Шаҳарда жамоат транспорти тизими тубдан ислох этилиб, электробуслар қатнови йўлга қўйилади.

Самарқанднинг ҳаво дарвозаси бўлган аэропортни бутунлай янгитдан барпо этганимиз, ҳеч шубҳасиз, туризмни ривожлантириш йўналишида энг муҳим ишларимиздан бири бўлди. Янги аэропорт бугун очилаётган “Буёк ипак йўли” марказини барпо этишдан қўзлаган мақсадларимизга ғоят уйғун ва ҳамохангидир.

Азиз дўстлар! Олдимизда катта-катта саналар, йирик сиёсий, маданий ва маърифий тадбирлар турибди. Жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллик байрами тобора яқинлашиб келмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари учрашуви каби нуфузли халқаро тадбирлар ҳам яқин ойларида айнан Самарқандда бўлиб ўтади.

Келгуси йилда эса қадимий шаҳримизда Европа тиклиши ва тараққиёт банки бошқарув Кенгашининг йиллик йиғилиши ва Жаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси ҳам ўтказилади.

Ана шундай улкан анжуманларни юқори савияда ташкил этишда бугун очилаётган янги марказимиз ҳам самарали хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Самарқанд қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган ушбу қурилишларни амалга оширишда чин юракдан, қалбидаги бор меҳри ва садоқати билан меҳнат қилган барча қурувчи ва мутахассисларга, тадбиркорлар ва муассасаларга, чет эллик ҳамкорларимизга, Самарқанд ахлига, кўп миллатли бутун халқимизга миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Мана шундай гўзал масканларимиз янада кўпайсин! Азим Самарқандимиз, жонажон Ўзбекистонимиз дунё турғучи турсин!

Барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган танти ва меҳнаткаш халқимиз доимо омон бўлсин! Эътиборингиз учун раҳмат.

“Сайқали”га, дунёдаги энг гўзал ва обод шаҳарлардан бирига айлантираримиз, деб ният қилган эдик.

Шу мақсад йўлида Имом Бухорий бобомизнинг ёдгорлик мажмуаси тўлиқ қайта қурилмоқда. Насиб этса, бу табаррук зиёратгоҳ буёк аждодимизнинг мусулмон оламидаги беқиёс обрў-эътиборига ҳар томонлама муносиб бўлган ажойиб масканга айланади.

Азиз дўстлар! Олдимизда катта-катта саналар, йирик сиёсий, маданий ва маърифий тадбирлар турибди. Жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллик байрами тобора яқинлашиб келмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари учрашуви каби нуфузли халқаро тадбирлар ҳам яқин ойларида айнан Самарқандда бўлиб ўтади.

Келгуси йилда эса қадимий шаҳримизда Европа тиклиши ва тараққиёт банки бошқарув Кенгашининг йиллик йиғилиши ва Жаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси ҳам ўтказилади.

Ана шундай улкан анжуманларни юқори савияда ташкил этишда бугун очилаётган янги марказимиз ҳам самарали хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Самарқанд қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган ушбу қурилишларни амалга оширишда чин юракдан, қалбидаги бор меҳри ва садоқати билан меҳнат қилган барча қурувчи ва мутахассисларга, тадбиркорлар ва муассасаларга, чет эллик ҳамкорларимизга, Самарқанд ахлига, кўп миллатли бутун халқимизга миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Мана шундай гўзал масканларимиз янада кўпайсин! Азим Самарқандимиз, жонажон Ўзбекистонимиз дунё турғучи турсин!

Барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган танти ва меҳнаткаш халқимиз доимо омон бўлсин! Эътиборингиз учун раҳмат.

Бошланиши 1-бетда

Бу кўп тармоқли марказ таркибидан 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс ҳолл, “Боқий шаҳар” мажмуаси, амфитеатр ва кўплаб бошқа иншоотлар бор. У йилига 2 миллион туристга хизмат кўрсатиши мумкин.

— Бу улкан марказ буёк аждодларимиз бунёд этган муҳташам меъморий обидаларга муносиб бўлиб, уларнинг тарихий аъёнларини давом эттиради. Ушбу мажмуа мамлакатимизда ҳозирги пайтда пойдевори қурилиши бошланган Учинчи Ренессанс ва олдинги тарихий даврлар ўртасидаги рамзий кўприк бўлади, деб ишонаман, — деди Президент.

Марказ “Буёк ипак йўли” деб номланганида чуқур маъно бор. Бу ерда уша даврга оид тарихий манзаралар акс эттирилган. Масалан, “Боқий шаҳар” мажмуаси безакларида қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган Сўғд давлати ҳукмдорининг Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилган.

Бу ерда қадимий бозор, мамлакатимизнинг барча ҳудудларига хос 40 та ҳунармандчилик устахонаси ташкил этилган. Унда усталар ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, заргарлик, гилам тўқиш каби жараёнларини сайёҳларга намойиш этади.

Бу мамлакатимизда сайёҳлик индустриясини ривожлантириш борасидаги улкан ишларнинг бир қисми. Янги туризм маркази келгуси йилларда Самарқандга келадиган хорижий сайёҳлар сони 1,5 миллиондан оширишда муҳим ўрин тутаяди. Умуман олганда, келгуси беш йилда мамлакатимизга келадиган сайёҳлар сони ҳозирги 2 миллиондан 9 миллионга етказиш мақсад қилинган. Энг муҳими, туризм соҳасида меҳнат қилаётганлар 500 минг нафардан ошади.

Шунингдек, мажмуадаги замонавий меҳмонхоналар ва Конгресс ҳолл йирик анжуманлар ўтказиш учун ҳам шароит яратяди. Яқинда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари

учрашуви каби нуфузли халқаро тадбирлар шу ерда бўлиб ўтади. Келгуси йилда эса қадимий шаҳримизда Европа тиклиши ва тараққиёт банки бошқарув Кенгашининг йиллик йиғилиши ва Жаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси ҳам ўтказилади.

“Боқий шаҳар достони” мусиқали ҳикояси янги марказнинг образли ифодаси бўлди.

Мирзо Улугбек расадхонасидан андоза олиб яратилган амфитеатр сахнасининг ўзига хос декорацияси ва замонавий техник имкониятлари мусиқали композицияни нафақат куй-қўшиш ва рақслар, балки ранг ва тасвир, турли чироқлар ёғдуси орқали тўлақонли ифодалашга хизмат қилди.

Мазкур мусиқали композиция кичик бир усталар қишлоғида дунёга келган йигитнинг ҳикоясига асосланган. Қизиқари саёҳатлар ҳақидаги китоблардан илҳомланган йигит узоқ сафарга отланиб, йўл давомида билимларини бойитиш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, турли синовларни енгиб ўтади. Узоқ йўлни босиб ўтган йигит ажойиб масканга қадам қўяди ва бу ерда қачонлардир тушида кўрган қизни учратади. У билан турмуш қуради ва яна ўз юртига қайтиб, ижод кадр-қиммати ҳақиқатини англайди. Қум, юлдузлар, шамол ва сувдан орзулар шаҳри, яъни Боқий шаҳарни бунёд этади.

Халқимиз ва дунё санъати уйғунлашган мазкур мусиқий ҳикояни яратишда юртимизнинг таниқли санъаткорлари ва бадиий жамоалари билан бирга хорижий ижодкорлар ҳам иштирок этди.

Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами арафасида Самарқанднинг “Буёк ипак йўли” мажмуасидан таралган наволар ва ёддулар олис-олисларга етиб, мамлакатимизда катта байрам тантаналари бошланаётганидан саждо берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Ғолиб ҲАСАНОВ, ҲАА мухбирлари

ХОРИЖИЙ ДИПЛОМАТЛАР ФИКРИ

САМАРҚАНД ЯНАДА ОБОД, ГЎЗАЛ ВА ЖОЗИБАЛИ МАСКАНГА АЙЛАНДИ

Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари “Дунё” АА мухбирлари билан суҳбатда Самарқандда бунёд этилган “Буёк ипак йўли” халқаро туризм маркази, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитига тайёргарлик доирасида ушбу шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари тўғрисидаги таассурот ва фикр-мулоҳазаларини билдирди.



Мунир МАММЕДЗАДЕ, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

— Самарқандга биринчи марта келишим. Айтишим мумкинки, ушбу қадим кент мени ўзига мафтун этди. Йўлда мен шаҳарда сўнгги икки йилда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини кўрдим.

Сайёҳлик маркази ўз имкониятлари билан менда ажойиб таассурот қолдирди. Бу ерда ҳамма нарса ўзгача дид ва ранг-баранглик билан яратилган бўлиб, бой ўзбек миллий маданияти ва тарихини акс эттиради.

Самарқанд Ўзбекистоннинг сайёҳлик пойтахти, мамлакатнинг маданий ва тарихий марказига айланмоқда. Яқин келажақда оила аъзоларим билан Самарқандга келиш ва уларга бу гўзал шаҳарни яқиндан таништириш ниятидаман.

Ежи МАЦУЛЕВИЧ, Ватиканнинг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили, епископ:



— Бугун Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитига тайёргарлик кўриш мақсадида барпо этилган Конгресс ҳолл ва Туризм марказида бўлдим.

Биз кўрган барча нарсалар менда катта таассурот қолдирди. Ҳаммаси ғоят улғувор ва Ўзбекистоннинг буёк келажаққа интилиши, ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги, бой меросини ўзида муҳасам этган. Мажмуа ғояси жуда қизиқарли, ижроси ажойиб, энг муҳими, бу улғуворлик ўз илдизлари, тарихи билан фахрланадиган инсонлар ва Ўзбекистоннинг маданияти ҳамда ўтмиши билан яхшироқ танишишни истаган меҳмонлар учун барпо этилган.



Даниел Кристиан ЧОБАН, Руминиянинг Ўзбекистондаги Факултода ва мухтор элчиси:

— Бугун бу ерда эканимдан жуда хурсандман. Бу гўзалликдан ҳайратландим. Кўрганларим бир томондан аъёнанавий, бошқа томондан эса замонавий. Ўтказилиши режалаштирилган барча тадбирлар Янги Ўзбекистоннинг қудрати, замонавий тараққиёти ва интилишларини намояндалари.

Ким Хи САНГ, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Факултода ва мухтор элчиси:




— Қадимий Самарқанд шаҳри Жанубий Кореяда ҳам жуда машҳур. Бу ерда бўлиб ўтаётган бугунги тадбир мазмунли кечмоқда. Ишончим комилки, Самарқанд ўзининг янги Туризм маркази билан бугун дунёда янада кўп сайёҳларни ўзига жалб қилади, шунингдек, йирик халқаро тадбирлар ўтказиладиган машҳур масканга айланади.

Шаҳарда бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Жумладан, кўплаб тарихий обидалар ва ажойиб муҳит, шунингдек, халқаро форумларни ўтказиш учун замонавий меҳмонхоналар ва бошқа инфратузилмалар бор. Самарқанднинг тез ривожланаётгани эътиборга моликдир. Бу ажаблანарли эмас, чунки у катта салоҳият

ҳамда гўзал муҳитга эга бўлган шаҳар.

Жорий йилда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланмоқда. Утган йиллар халқларимизро алоқаларнинг мустаҳкамланиши нуктаи назаридан жуда эътиборли бўлди. Сўнгги йилларда эришилган муваффақиятлардан келиб чиққан ҳолда шуни ишонч билан айтишим мумкинки, келажақда алоқаларимиз жадал ривожланади ва янада мустаҳкамланади.




Орелиа БУШЕС, Франциянинг Ўзбекистондаги Факултода ва мухтор элчиси:

— Янги бунёд этилган ушбу марказ истиқболда Ўзбекистоннинг ўзаро ҳамкорлик қўламлигини янада кенгайтириш учун қўлай имкониятларни тақдим этади.

Ўзига хос дизайн ва услубда қурилган Конгресс ҳолл, миллий аъёнанаlear асосида қад ростлаган “Боқий шаҳар” мажмуаси, бошқа гўзал сайёҳлик масканлари Самарқандни яна бир бор ва янгича кўринишда кашф этишга ундайди кишини. Биз бундан мамнунмиз.

Бугунги ташриф менда ушбу шаҳарда франциялик туристлар ва турли соҳа вакиллари учун халқаро конференциялар ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этиш ғоясини уйғотди.


Олган БЕКАР, Туркиянинг Ўзбекистондаги Факултода ва мухтор элчиси:



— Элчилар ва дипломатлар иштирокида ўтган бугунги тадбир таассуротларга бой бўлди. Шу ўринда таъкидлаш керакики, Ўзбекистонда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳаларнинг аксариятида Туркия қурилиш компанияларининг иштирок этганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Қисқа фурсат ичида бунёд этилган ушбу муаззам иншоотлар Ўзбекистон учун катта фойда келтиради. Чунки бу ерда Ўзбекистон ШХТ ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари ва бошқа нуфузли йиғилишларни ўтказиш режалаштирмоқда. Шу жиҳатдан ушбу гўзал маскан Ўзбекистон учун муҳим маданий объектга айланади.

Олган БЕКАР, Туркиянинг Ўзбекистондаги Факултода ва мухтор элчиси:



Туркия ва Ўзбекистон муносабатларига тўхталадиган бўлсак, у барча соҳаларда жадал ривожланмоқда. Юқорида таъкидлаганимдек, ушбу лойиҳаларда кўплаб турк ташкилотлари қатнашди.


Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған ШХТнинг Самарқанд саммитида иштирок этиши кутилмоқда. Ўзбекистон билан ҳамкорликдан мамнунмиз. Қардош халқларимиз тинчлиги, қаровонлиги ва манфаати йўлида биргаликда кўплаб лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширамиз, деган умиддаман.

Зехавит БЕН ХИЛЛЕЛ, Исроилнинг Ўзбекистондаги Факултода ва мухтор элчиси:



— Самарқандда гўзал ва жозибали сайёҳлик мажмуаси бунёд этилибди. Ушбу янги мажмуага биринчилардан бўлиб элчилар ва дипломатия корпуси вакиллари тақлиф этгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдираман.

Қисқа муддатларда замонавий меҳмонхоналар, ресторанлар, миллий ва халқаро тадбирлар ўтказиш имкониятига эга замонавий Конгресс ҳолл, “Боқий шаҳар” мажмуаси ва бошқа объектларни ўзида муҳасам этган бундай мажмуани қуриш осон эмаслигини яхши англаймиз.



Бундай ўзгаришлар Ўзбекистонда турли халқаро тадбирларни ўтказишга, мамлакатга хорижий давлатлардан, шу жумладан, Исроилдан сайёҳлик оқими оширишга хизмат қилади.



Яхши биламизки, Самарқанд аздал ўзининг бетақрор тарихий обидалари, урф-одат ва аъёнанаlearи билан бугун дунёдан саёҳатчиларни ўзига жалб қилиб келган. Ишонаманки, янги “Буёк ипак йўли” халқаро туризм маркази ҳам ўзбек халқи меҳмондўстлигининг ёрқин намунасига айланади. Биз, элчилар ушбу тарихий воқеада иштирок этаётганимиздан беҳад мамнунмиз.

“Дунё” АА

ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори

Бошланиши 1-бетда

**ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ:
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ
БОРАСИДАГИ АМАЛИЙ
ҚАДАМЛАР**

Сўнги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ривожланаётган ижтимоий ҳамкорлик муносабатлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида бошланган шиддатли ва изчил ислохотларнинг асосий мақсадлари билан муштарак ҳамда ҳамохандир.

Бу ҳақда фикр юритганда, аввало, **“Инсон қадрини унун”** деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш алоҳида диққат марказида турганини таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожини очик ва адолатли фуқаролик жамияти шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, биз ижтимоий ва ҳуқуқий давлатни бунёд этмай туриб, ўзимиз ороу қилган адолатли ва очик фуқаролик жамиятига эриша олмаимиз.

ЎЗБЕКИСТОН БМТНИНГ НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯСИНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛДИ. МАМЛАКАТИМИЗДА “МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ЛИДЕР-АЁЛЛАРИ МУЛОҚОТИ” ШАФЕЛИГИДА МИНТАҚАМИЗДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛЛАРИ ВА “БМТ-АЁЛЛАР” ТУЗИЛМАСИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА МИНТАҚАВИЙ ФОРУМ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ШУНИНГДЕК, ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА “ЁШЛАРНИ ГЛОБАЛ ФАОЛИЯТГА ЖАЛБ ЭТИШ” МАВЗУСИДА БУТУНЖАҲОН КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва маданий ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида аниқ мақсадга қаратилган бир қатор таъсирчан чоратadbирлар амалга оширилди. Кейинги олти йил ичида қўлга киритилган муайян амалий ва аниқ натижалардан айримларига тўхталиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи натижа: қарийб 350 қонун, Ўзбекистон Президентининг 4 минг 400 дан ортиқ фармон ва қарори, бир қанча миллий стратегия, концепция ва давлат дастурлари қабул қилинди. Улар орасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси, Барқарор тараққиёт соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар, Гендер тенгликка эришиш стратегияси, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати концепцияси, БМТнинг “Ёшлар-2030” стратегиясига асосланган Давлатнинг ёшлар сиёсатини ривожлантириш концепцияси алоҳида ўрин тутди.

“БМТ ташкил топганидан буён тарихда биринчи маротаба, Ўзбекистон томонининг ташаббуси билан ташкил этилган инсон ҳуқуқлари бўйича **ОСИЁ ФОРУМИ САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛДИ. ФОРУМ ЯКУНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ДЕКЛАРАЦИЯСИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 73-СЕССИЯСИНИНГ АСОСИЙ ҲУЖЖАТЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА ТАСДИҚЛАНДИ. ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ “САМАРҚАНД РУҲИ”НИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШГА ҚАРАТИЛГАН “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”НИ ТАСДИҚЛАДИ ВА АМАЛГА ОШИРМОҚДА.**

Иккинчи натижа: фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг институционал механизмларини мустаҳкамлаш бўйича муҳим чоралар кўрилди. Хусусан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси ташкил этилди, Парламент Омбудсмани, Бизнес-Омбудсман, Болалар Омбудсмани, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолияти мустаҳкамланди;
- Барқарор тараққиёт соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларига риоя этилишини таъминлаш бўйича Парламент комиссияси, Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича Миллий комиссия сингари бир қатор парламент институтлари фаолияти йўлга қўйилди.

Энг муҳими, **жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик институтлари изчил ривожланмоқда.** Нодавлат нотижорат ташкилотлари парламент ва парламент комиссиялари, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда рўёбга чиқариш учун масъул давлат органлари фаолиятига кенг жалб этилмоқда. Шу тарихга жамиятимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамияти тубдан кучайди.

- нодавлат нотижорат ташкилотлари сони салкам 16 фоизга кўпайиб, 9 минг 800 тадан ошган бўлса, маҳаллалар сони қарийб 10 мингтага етди. Оммавий ахборот воситалари 2016 йилги ҳолат билан солиштирганда, деярли 30 фоизга ўсди ҳамда ҳозирги вақтда 1 минг 962 тани ташкил этмоқда. Ўз навбатида, миллий ахборот мақомидаги интернет-нашрлар икки баробарга кўпайди ва 677 тага етди. Шу ўринда, хусусий ОАВ жамият ҳаётида тобора муҳим ўрин эгаллаб бораётганини таъкидлаш лозим;
- сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экологик, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, шунингдек, Барқарор тараққиёт соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасида давлат органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклик даражаси тубдан янги босқичга кўтарилди.

Бешинчи натижа: Давлат бюджетидан ижтимоий шерикликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлар миқдори беш баробардан зиёд ортди. Биргина 2022 йилнинг ўзида ижтимоий шерикликка қаратилган 700 тадан ортиқ дастур ва лойиҳалар давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда;

• Ўзбекистонда истиқомат қиладиган 130 дан зиёд турли миллат ва эллатлар ўртасида тенглик, дўстлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келаётган миллий маданият марказларини илк бор сезиларли даражада молиявий рағбатлантириш йўлга қўйилди. Давлат субсидиясини оладиган нодавлат нотижорат ташкилотлари сафи ноғиронлиги бўлган шахслар, аҳолининг заиф қатламлари ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган фуқаролик жамияти институтлари ҳамда экологик нодавлат ташкилотлар ҳисобига янада кенгайди;

• мамлакатимизнинг 11 та минтақасида **“Дўстлик ва НТТ уйи”** ташкил этилган бўлса, яна 3 та минтақада шундай уйлар очилиш арафасида турибди. Қолаверса, 15 та “коворкинг маркази” иш бошлади. **Нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимида доимий асосда ишлайдиган ходимлар сони 52 минг кишидан ошди.**

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЎЗИГА
ХОСЛИГИ ВА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИ**

Кейинги даврда нодавлат нотижорат ташкилотлари, айниқса, **“Халқ — қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифидир”** ҳамда **“Барча муҳим қарорлар бевосита халқ билан мулоқот асосида ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади”** деган тамойилларни ҳаётга татбиқ этишда сезиларли фаоллик кўрсатаётгани кўзга ташланмоқда.

Хусусан, **жорий йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан Конституциявий комиссия бошчилигида конституциявий ислохот ҳамда Асосий қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш масалаларининг турли жиҳатларига бағишланган 100 дан ортиқ миллий ва халқаро форум ўтказилди. Биринчи маротаба 200 дан зиёд миллий ННТ Конституциявий қонун лойиҳасини жамоатчилик, гендер, бола**

ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва аксилкоррупция экспертизаларидан ўтказиш жараёнларида фаол иштирок этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохот доирасида Янги Ўзбекистоннинг конституциявий ўзига хослигини белгилаш назарда тутилмоқда. Бундай монандлик, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг очик ва адолатли фуқаролик жамияти шаклланиган давлат сифатида ўзини намён этишини, жумладан, бир қатор демократик институтларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашни тақозо этади.

Биринчидан, “Ижтимоий шериклик” институти. Вазирлар Маҳкамаси зиммасига давлатнинг ёшлар сиёсатини амалга ошириш, оилани қўллаб-қувватлаш, уни мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилиш чораларини кўриш, анъанавий оилавий кадрларни асраб-авайлаш, ижтимоий ҳимоя, шу жумладан, ноғиронлиги бўлган шахсларни ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш, ижтимоий шериклик ва фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқариш жараёнларига нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолларини жалб этиш юзасидан аниқ вазифалар юкланган.

Иккинчидан, “Жамоатчилик назорати” институти. Бу борада, хусусан, давлатнинг бюджет сиёсати устидан жамоатчилик назорати ўрнатилгани, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик тақлифларини киритиш ҳуқуқига эга бўлган ва камидан юз минг кишидан иборат **“Халқ ташаббуси” институти** жорий этилгани энг муҳим янгиликлардан бўлди.

Учинчидан, Маҳалла институти. Ўзбекистон Конституциясига маҳалла институти фаолиятини кучайтиришга қаратилган нормалар киритилиши режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида ўзбек маҳаллалари жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг бош бўғинига айланмади.

**ЎЗБЕКИСТОН
НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРИ
ТАЖРИБАСИ ВА ХАЛҚАРО
ЭЪТИРОФ**

Янги Ўзбекистон — очик ва масъулиятли давлат, ўз халқаро мажбуриятларини бажаришга содиқ ишончли шерикдир.

Мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги сўнги 6 йилда тамомил янги марраларни забт этди. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-, 75- ва 76-сессияларида, шунингдек, БМТ

“Янги Ўзбекистон — очик ва масъулиятли давлат, ўз халқаро мажбуриятларини бажаришга содиқ ишончли шерикдир. Мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги сўнги 6 йилда тамомил янги марраларни забт этди. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-, 75- ва 76-сессияларида, шунингдек, БМТ

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида нутқ сўзлади.

Жаҳоннинг олий минбарларидан янграган ушбу муносабатлар асосида Ўзбекистон Президенти 30 дан ортиқ ташаббусни илгари сурди. Бу ташаббуслар, асосан, халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, таълим, маънавият, экология, туризм, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва бошқа муҳим соҳаларга тааллуқлидир.

Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайлангани кейинги йиллардаги амалий сай-ҳаракатларимизнинг ҳамкор халқаро



эътирофи бўлди. Бу борада БМТ Бош Ассамблеясининг **“Марказий Осиёда тинчлик, осойишталик ва барқарор тараққиётни таъминлаш”**, **“Маърифат ва диний бағрикенглик”**, **“Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор тараққиёт”**, **“Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш”** номли резолюциялари қабул қилингани ҳам дунё ҳамжамияти томонидан Ўзбекистон эътирофи этилишининг ёрқин ва ўзига хос ифодасидир.

Ўзбекистон БМТнинг Ноғиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди. Мамлакатимизда **“Марказий Осиё мамлакатлари лидер-аёллари мулоқоти”** шафелигида минтақавий хотин-қизлар фуқаролик жамияти институти фаоллари ва **“БМТ-аёллар”** тузилмаси вакиллари иштирокида минтақавий форум ташкил этилди. Шунингдек, ёшлар ҳуқуқлари бўйича **“Ёшларни глобал фаолиятга жалб этиш”** мавзусида бутунжаҳон конференцияси ўтказилди.

Ўзбекистоннинг ташаббуси асосида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши томонидан Пандемия шароитида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги резолюция қабул қилинди.

Бундан ташқари, БМТ ташкил топганидан буён тарихда биринчи маротаба, Ўзбекистон томонининг ташаббуси билан ташкил этилган **Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми** Самарқанд шаҳрида ўтказилди. Форум якунида қабул қилинган **Инсон ҳуқуқлари бўйича**

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ:
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
БИЛАН ЎЗАРО
ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ
АНДОЗАЛАРИ**

Мамлакатимизда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда янги босқичга кўтариш юзасидан бир қатор амалий тақлифларни билдириш мақсадга мувофиқ.

Биринчи тақлиф: **“Фуқаролик жамияти билан ўзаро ҳамкорликнинг янги аснозалари — тараққиётнинг янги стратегиялари — ҳулқ-атворнинг янги модели”** ҳамда **“Мақсадлар қилдирилиш ва манфаатлари умумийлиги”** принциплари асосида вакиллик ва ижро ҳокимиятининг барча даража-ларида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда энг муҳим қарорлар қабул қилиниши жараёнларига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кенг жалб этиш тавсия этилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллари, жумладан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, Сайлов жараёнини барқарор ривожлантиришнинг Миллий мақсад ва вазифалари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия каби жуда муҳим стратегия, концепция ва дастурларни амалга ошириш жараёнларида кенг иштирок этиши зарур.

Иккинчи тақлиф: ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳозир амал қилаётган шакллари янада ривожлантиришни тақлиф этаман. Хусусан, бу ўринда:

- жамоавий муносабатлар асосида минтақавий, соҳавий ва давлат дастурлари ижроси сифатини ҳамда давлат маблағларининг сарфланиши ҳолатларини текшириш амалиёти;
- жиноятчилик, айниқса, одам савдоси, қийноқлар, уюшган ва трансмиллий жиноятларга қарши курашиш, шунингдек, пенитенциар муассасалар ва жазони ижро этиш муассасаларида адолат ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши соҳаларидаги жамоатчилик назорати;
- коррупция ботқоғига ботган соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциоген омилларнинг олдини олиш, жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш ишлари;
- аҳоли соғлиғи ва гендофондига зарар етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш, қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини “экологик экспертиза”дан ўтказишни йўлга қўйиш;
- аёллар, ёшлар, ноғиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа заиф қатламлари муаммоларига ечим топиш бўйича ишларни самарали ва манзилли асосда ташкил этиш масалалари назарда тутилмоқда.

МУНОСАБАТ

МАҲАЛЛАЛАРДА ЎЗГАРАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИ

ҲУДУДЛАР РИВОЖИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Мирзохид УБАЙДУЛЛАЕВ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг ўринбосари — Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланганидан то бугунга қадар соҳада қизгин ўзгаришлар давом этмоқда. Сўнгги олти йилда юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган 2 мингта яқин қонун, фармон ва қарор қабул қилинди. Ишбилармонларни қўллаб-қувватлашни назарда тутуви қарорлар шунчаки қозғоғда эмас, амалда ишлай бошлади. Давлат тадбиркорнинг чин маънодаги дўстига, яқин кўмакчисига айланди.

Жорий йил 22 август куни Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтказилган очиқ мулоқоти бунинг яна бир исботидир. Яхши аъёнага айланган ушбу учрашувга тайёргарлик жараёнларининг ўзиёқ қизгин кечганига гувоҳ бўлдим. Юртимиздаги ҳар бир тадбиркорнинг ўз муаммоси, тақлифларини айтиши учун катта платформа яратилди. Очиқ мулоқотда эса ана шу тақлифлар асосида муҳим қарорлар қабул қилинди, булар нафақат маҳаллий тадбиркорлик субъектлари, балки хорижлик инвесторлар, ишбилармонлар учун ҳам янги имтиёз ва имкониятлар беради.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг “Жамиятда тадбиркорларнинг обрўси ва мавқеи кун сайин юксалиб, ички ва ташқи бозорда ўз мустақкам ўрнига, ўз нуфузи ва брендига эга бўлган ишбилармонлар тобора кўпайиб бормоқда. Давлат идораларида ҳам уларга муносабат тубдан яхшиланди. Тадбиркорларга нисбатан мана шундай ёндашув бундан кейин ҳам иқтисодий сисъатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолади”, деган сўзлари соҳа вакилларига янада куч-ғайрат бағишлади.

Тан олиш керак, ҳозир тадбиркорлик қилиш учун имкониятлар анча кенг. Бундан 6-7 йил олдин соҳага кириб келган кишини эзيب юборадиган солиқ юкларимиз ортиқча текшир-текширлардан бугун асар ҳам қолмаган. Нақд пул, валюта ва ҳомашё бўйича қўллаб-қувватлаш барҳам берилди. Асосийси, тадбиркорлик қилиш истагидаги

инсонларга маҳалланинг ўзидаёқ зарур кўмаклар берилиб, фойдала кириб олгунига қадар қўллаб-қувватланапти. Қолаверса, барча давлат таъминотлари тадбиркорнинг фаолиятига тўққинчилик қилмаслик, ҳар соҳада уларга ёрдам бериш вазифаси топширилган.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолияти ҳам бевоисита ишбилармон доира вакилларини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ташкилотимиз нафақат тадбиркорлар билан дўст бўлиб ишлаб, улар дуч келаётган муаммоларни бартараф этишга кўмаклашади, балки соҳани янада ривожлантириш, ишсиз аҳоли, хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка ўқитиш ҳамда кичик бизнесга жалб қилиш, бунинг натижасида аҳолининг даромадини ошириш, ишсизликни камайтириш, одамлар бандлигини таъминлаш каби вазифаларни ҳам қамраб олади.

Бунинг учун ишсиз, жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ешлар дафтари”га киритилган фуқароларга имтиёзли микрокредит, субсидиялар ажратиш тизими йўлга қўйилган. Эҳтиёжманд оилалар ўрганишлар асосида ёки ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари билан аниқланади. Тегишли қарор асосида Агентлик томонидан тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган юртошларимизга зарур бўладиган асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари хариди учун



7 миллион сўмгача, хотин-қизларга 10 миллион сўмгача субсидиялар ажратилмоқда. Фуқаро тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг, дастлабки уч ой мобайнида



олинган бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорда субсидияга эга бўлади. Борди-но, ишсиз инсонлар тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун керак бўладиган маблағга эга бўлмаса, сарфланадиган харажатларни тўлаш учун субсидия ажратиш

тартиби ҳам белгилан қўйилган. Яъни тадбиркор бўламан, деган кам таъминланган инсонларга даромадга киргунига қадар зарур кўмакларни бериш механизми яратилган, фақат ундан тўғри фойдалана билиш лозим.

Бугунга қадар Агентлик томонидан асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 211 мингта лойиҳага 5,1 триллион сўмлик кредитлар ажратилди. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларга меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналар олиб бериш бўйича эса 26 минг фуқарога 67 миллиард сўмлик субсидиялар берилди. Натижада 56 мингта юридик ҳамда 54 мингта яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилди.

Охири йилларда юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш ёки иш бошлашдан аввал курсларда ўқиб, сўнг ўз бизнесини очиб истагидаги инсонлар

олинган бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорда субсидияга эга бўлади. Борди-но, ишсиз инсонлар тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун керак бўладиган маблағга эга бўлмаса, сарфланадиган харажатларни тўлаш учун субсидия ажратиш сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бирок ўқув курсларида ўқишга ҳаммининг ҳам имконияти йўқ. Шу боис, маҳалла-ларда ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан, “Аёллар дафтари”, “Ешлар дафтари” ва “Темир дафтар” рўйхатидан турган фуқаролар ҳамда кам таъминланган ва ишсиз аҳоли қатламига нодавлат но-тижорат ташкилотларида бепул ўқиш имконияти яратиб берилган. Курсларни



муваффақиятли тамомлаб, сертификат олган юртошларимизга микрокредитлар ажратилаётгани ҳисобида қўллаб-инсонлар бугун ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга эришди.

Биргина охириги 7 ойни таҳлил қиладиган бўлсак, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги кўмағида 1,6 миллион нафар фуқаронинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланди. Жумладан, улардан 42 минг нафари тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилган бўлса, 818 минг нафари ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинди, 54 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркорликка жалб қилинди.

Миробод туманидаги Қорасув маҳалласида яшовчи Эътиборхон Сайфутдинов кичик бизнес бошига қўллаб-қувватлаш дастури доирасида 211 мингта лойиҳага 5,1 триллион сўмлик кредитлар ажратилди. Тадбиркор ушбу маблағ ҳисобига маҳаллада “Serbaraka-non” МЧЖ ташкил этиб, нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳалол меҳнати ортидан оиласига даромад кирмоқда. Қўшимча 7 та иш ўрни ҳам яратган. “Маҳалламизда бўш ётган бинони олиб, ҳоким ёрдамчиси Илҳомжоннинг кўмағида ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Келгусида нон махсулотларидан ташқари, ширинликлар ишлаб чиқариш мақсадим ҳам бор. Фаолиятимни янада кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштирганман. Одамларга фойдаме тегаётгани, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшаётганимни ҳис қилишдан хурсанд бўламан”, дейди тадбиркор.

Чиндан ҳам, мамлакатда тадбиркор қанча кўп бўлса, юрт шунча тараққий этиб бораверади. Ахир ишбилармон кишилар нафақат ўз оиласига даромад киритади, балки ишсиз аҳоли

бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичларининг ортишига ҳисса қўшади.

Юнусобод туманидаги Қашқар маҳалласида яшовчи ёш тадбиркор Шаҳноза Норматова ҳам ана шундай мақсадлар билан тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тўққинчилик махсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозир қўлида 15 нафар хотин-қиз ишлаяпти. Чеварлар тикаётган кийим-кечақлар, асосан, ички бозорга чиқарилади. Келгусида тадбиркор махсулот турларини кенгайтириб, хорижга экспорт қилиш ниятида.

Бир қарашда кичик кўрнадиган бу лойиҳалар бир неча оилани доимий даромад билан таъминламоқда. Жумладан, жорий йил ҳоким ёрдамчилари томонидан умумий 34 минг 234 та тадбиркорлик лойиҳасига амалий ёрдам кўрсатилиши натижасида 177 минг 660 та янги иш ўрни яратиш белгилаб олинган.

Қолаверса, Агентликнинг ҳудудий бошқармалари томонидан мунтазам равишда вилоятдаги тадбиркорлар муаммолари ўрганиб келинапти. Ушбу соҳада ўқиш истаги бўлган, кредит ёки субсидия олиш, ўз фаолиятини бошламоқчи бўлган аҳоли қатламлари билан ҳар ҳафта турли учрашув ҳамда сайёр қабуллар ўтказиб келинмоқда. Бундан мақсад одамларни шунчаки ишонтириш эмас. Ақинча, тадбиркорлар муаммоларини жойида ҳал этиб, ҳудудларда ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш, бу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар фаровонлигини ошириш асосий вазифамиздир.

Зеро, тадбиркор барча шароитларга эга бўлган эркин муҳитда ишламоқчи, жамиятда фаровон ҳаётга интилиш, барча соҳаларда ривожланиш ортиб бораверади.

ПИШИҚЧИЛИК



Фарғона боғларида гарқ пишган мевалар жаҳон бозорини ҳам забот этмоқда. Шу кунга қадар фарғоналик боғбонлар саъй-ҳаракати билан 5,1 минг тонна олма экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда бир неча хиссага кўп. Сохибкорлар ўрик экспортида ҳам қарвонбоши. Жорий мавсумда 2,9 минг тонна ўрик ташқи бозорга чиқарилди. Бу мамлакатимиз микёсидаги кўрсаткичнинг ярмидан кўпини ташкил қилади.

Айни кунда тилими тилни ёрар қовунлар экспорти борасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Вилоят божхона бошқармаси томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларга кўра, июнь-июль ойларида умумий қиймати 1 миллион доллар бўлган 2 минг 100 тоннадан ортиқ махсулот экспорт қилинди.

Қишлоқ ҳўжалиги имкониятларга бой соҳа. Бозорларимиз файзу бараканди, дастурхонимиз кўрки, ҳаётимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан унга боғлиқ. Кейинги йилларда аграр соҳани ислоҳ қилиш ва бозор талабларига мослаштириш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашга бўлган эътибор ошди. Хусусан, махсулот етиштириш, саралаш, қайта ишлаш ва қадоклаш борасида кластер тизимига ўтишнинг меҳнатга муносабатини ўзгартирди, манфаатдорликни оширди. Пاختа ва ғаллачилик, мева-сабзавотчилик даромад келтирадиган тармоққа айланди.

Бугунги кунда вилоятда 185 дан ортиқ экспортёр корхона фаолият кўрсатиб келмоқда. Натижада мева ва сабзавот етиштириш ҳажми ошди, сифати яхшиланди, экспорт ҳажми ортди. Ўтган йилнинг ўзида бу йўналишда 214,5 миллион долларлик махсулот хорижга юборилди. Бу 2020 йилга нисбатан 4 хиссага кўп дерам. Жорий йилда мева-сабзавотчилик йўналишида 230,5 миллион долларлик махсулот экспорт қилиш кўзда тутилган.

— Заминимизда етиштирилган мева ва сабзавот махсулотларига ташқи бозорларда талаб юқори, — дейди вилоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Абдуқаҳҳор Қодиров. — Албатта, бу ўз-ўзиндан амалга ошиб қолаётгани йўқ

Президентимиз ташаббуси билан жорий қилинган ҳаётбахш ислохотлар соҳа ривожига хизмат қилмоқда. Шу мақсадда кластерларнинг фермерлар тақлифидан, ҳудуд, иқлим ва тупроқ шароитлари, аҳоли тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ихтисослашувига эътибор қаратяптиз. Масалан, Кува туманида агро-чилик, гулчилик, Қувасой шаҳрида ги-лосчилик, Бешарқ туманида ўрикчилик, Риштон туманида пистаччилик, Фарғона туманида малиначчилик, Фарғона шаҳри-да гул кўчатчилиги кластер кооперация-лари фаолияти йўлга қўйилди. Натижада харидорлар талаб ва истаклари бўйича бир хил нав ва кўринишга эга бўлган сар-хил махсулотлар етказиб бериш имко-нияти яратилди.

Ҳудудларни ихтисослаштириш орқали мева-сабзавот махсулотлари етиш-тириш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш, мева-сабзавотчилик кластерларини қўл-лаб-қувватлаш учун 11,4 минг гектар ер майдонлари бириктириб берилди. 2021 йилда улар томонидан 81,7 минг тонна мева, 2,4 минг тонна узум, 140,4 минг тонна сабзавот махсулотлари етишти-рилди. Жорий йилда эса бу борадаги иш-лар унумдорлигини янада ошириш мақсадида фойдаланишдан чиққан, са-марасиз боғларни қайта фойдаланишга кириштириш ҳисобида 504 гектар майдон-да янги боғлар барпо этилди.

Фарғона тумани ҳудудида 5 мингдан ортиқ аҳоли хонадони ва фермер ҳўжа-ликлари тасарруфидаги 500 гектардан ортиқ майдонда малина етиштирил-моқда. Бу бир мавсумда 4 минг тон-надан ортиқ ҳосил олиш имкониятини беради. Натижада малина етиштириш



“ОЛТИАРИК ТУМАНИДАГИ ЭКСПОРТГА КўМАКЛАШИШ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ҲАР КУНИ 500 ТОННА УЗУМ ЭКСПОРТГА ЧИҚАРИЛМОҚДА. ШУ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИГА ҚАДАР ВИЛОЯТДА УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 6,4 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК УЗУМ ЧЕТГА ЮБОРИЛДИ.

ва экспорти ҳажми ошади. Ўтган йили Польша, Россия ва бошқа мамлакатларга 1 миллион долларлик махсулот эксп-орт қилинган бўлса, бу йил экспорт ҳаж-мини уш хиссага ошириш кўзда тутилган. — Жойларда махсулотни саралаш, қадоклаш, қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш бўйича 8 та агрологисти-ка маркази ташкил этилган, — дейди вилоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси озик-овқат ва сановат бўлими бош мута-хассиси Комилжон Қосимжонов. — Айни кунда дунёнинг 66 та мамлакатига 40 турдан ортиқ мева-сабзавот ва полиз махсулотлари экспорт қилинмоқда. Мах-сулотларни Қирғизистоннинг Иркештом ва Турғарт ҳамда Қозғистоннинг Хорғос ва Алашанқо постлари орқали темир йўл ва автотранспортларда транзит сифатида олиб ўтилишига рухсат олинди. Бу тадбиркорлик субъектлари фаолияти-ни кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. “Даладан — экспортга” занжирини яратишда тад-биркорларга кўмаклашишда рухсат бе-рувчи ҳўжатларни расмийлаштириш тўлиқ электрон тизимга ўтказилди ҳамда

“Пайме” тўлов тизими йўлга қўйилди. Яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар натижасида БАА, Беларусь ва Россияга 12 минг тоннадан ортиқ қарам экспорт қилинди. Бу ўтган йилга нисбатан 5 минг тонна кўп. Шунингдек, қовун, майиз, ўрик қоқиси, ерёнғоқ, мош, ёнғоқ мағзи, ширин ва аччиқ ўрик мағзи, узум данаги, янги узилган аччиқ қалампир ва кунжутга та-лаб ортиб бормоқда. Қувасой шаҳридаги йилпар давомида ўзлаштирилмаган “А.Раҳмоналиев” мас-сивида жойлашган тепалик ва адирлик-лардан иборат 1600 гектар ҳудудда янги ерларни ўзлаштириш борасида амалий ишлар бошланган. Бу ерда “Uz-Segang” МЧЖ томонидан интенсив боғлар барпо этиш мақсадида тик қудуқлар қазилиб, ҳовузлирнинг тайёрлаш жараёнлари уш-қоқлик билан олиб боришмоқда. Ҳозирга қадар ўзлаштирилган 300 гектардан ор-тиқ ҳудудда боғ яратилиб, янги сўғориш технологиялари жорий этилди. — Боғ яратиш, эл дастурхонини тўкин қилиш халқимизга хос фазилатлардан, — дейди боғбон Ҳаётжон Ҳаққулов. — Аср-лар давомида ўзлаштирилмай ётган

ерларни обод қилиш, боғ яратиш бораси-да билдирилган тақлифларни биринчи-лардан бўлиб қўллаб-қувватлаб, 20 сотих ерда боғ яратдим. Томчилашиб сўғориш технологиясидан фойдаланаётганимиз учун имтиёзли субсидия ажратилди. Бу жуда катта имконият. Яқин йилларда боғ-ларимиз ҳосилга киради. Айни кунда қў-чатлар орасига мош, қизил ловия эклиди, меҳнатимизга яраша ҳосил оляптим.

Фарғона вилоят божхона бошқарма-сининг “Водий” ташқи иқтисодий фао-лият божхона постида “Экспортга кў-маклашиш маркази” ташкил этилди. Бу ерда экспортга чиқарилаётган қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари божхона назо-ратидан ўтказилиб, ортиқча оворгарчи-ларни расмийлаштиришдан ўтказилди. Нафақат божхона, балки экспорт билан боғлиқ бошқа сертификатлаш идорала-ри ҳам фаолият кўрсатмоқда. Натижада экспортга чиқарилаётган махсулотнинг асосий қисми соддалаштирилган тартиб-да “яшил” ва “сарик” йўлақларда божхона расмийлаштирувидан ўтказилди.

Олтиариқ туманидаги экспортга кў-маклашиш маркази томонидан ҳар куни 500 тонна узум экспортга чиқарилмоқда. Шу йилнинг ўтган даврига қадар вилоят-да умумий қиймати 6,4 миллион доллар-лик узум четга юборилди. — Айни пишиқчилик мавсумида етиштирилган сархил мева-сабзавот-ларнинг экспорт қилиш қизгин паллага кирган, — дейди Фарғона вилоят бож-хона бошқармасининг “Водий” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости бошлиғи Мухиддин Мансуров. — Барча божхона постлари, қолаверса, экспортга кўмаклашиш марказлари-да экспортёр тадбиркорларга қуно тун хизмат кўрсатиш имконияти яратил-ган. Хусусан, “Хавфни бошқариш” ав-томатлаштирилган тизими асосида

махсулотлар соддалаштирилган тар-тибда божхона расмийлаштирувидан ўтказилмоқда. Бундан ташқари, вилоят божхона бошқармаси “Масофавий электрон декларациялаш” божхона пости фаолияти йўлга қўйилди. Та-дбиркорлар томонидан барча божхона юк декларациялари масофадан туриб тақдим этилмоқда ҳамда божхона хо-димлари томонидан ҳам шундай тар-тибда расмийлаштириб берилмоқда. Шунингдек, “E-pavbat” электрон тизими ишлаб турибди. Эндиликда махсулот юклардан автомашиналар чегара пост-ларида олдиндан навбатга туриш ёки ўзи учун мақбул бўлган ҳудуд бўйлаб ҳаракатланиш имкониятига эга. Бу эк-спортга йўналтирилаётган махсулотлар-ни тезкор ва шаффоф тарзда экспортга чиқариш имкониятини бермоқда.

“Масофавий электрон декларация-лаш” божхона постида расмийлашти-рувчи ходимлар билан ташқи иқтисодий фаолият ишироқчиллари ҳамда назорат постларидаги кўрик ходимлари билан алоқа қилиш мақсадида видеоалоқа ва IP телефонлари ўрнатилиб, мулоқотлар ушбу техник воситалар ёрдамида амал-га оширилмоқда. Ўтган қисқа вақт даво-мида мақzur божхона пости томонидан 18 мингдан ортиқ божхона юк декла-рациялари расмийлаштирилди. Амалиётга жорий этилган бундай қўлайликлар нати-жасида экспорт ва импорт билан боғлиқ операцияларни расмийлаштиришга бир неча дақиқа сарфланапти.

Сирасини айтганда, соҳа ривожий йў-лида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратиш, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини қўл-лаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

БИР АСРЛИК БАДИИЙ ТАФАККУР ҚОМУСИ

Ҳар бир даврнинг ўз адабиёти бўлганидек, даврнинг адабиётга муносабати ҳам бўлади. Ҳар бир давр адабиёти ранг-баранг бўлганидек, унга муносабатлар ҳам ранг-баранг ва турличадир. Хусусан, Абдулла Қодирий мисолида бугун адабиётга бўлган муносабат мезонларини белгилаб олшимиз мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда миллий маданият, адабиёт ва санъатга бўлган эътибор янги босқичга кўтарилди, тамомила ўзгача мазмун ва моҳият касб этди. Китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган фармойишлар, ижод аҳлига яратиб берилган шарт-шароитлар, турли аллома ва ижодкорлар юбилейларининг кенг миқёсда ўтказилиши, уй-музейлар ташкил қилиниши бунинг ёрқин далили.

Ҳаётининг кўпчиликлари номаълум бўлган томонларини ёритишга бахшида бўлди. Айниқса, олимнинг мустамаккачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш йўлидаги хизматлари чексиздир. Атоқли олим Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Мақсуд Шайхзода каби XX асрнинг улуғлари ҳаёти ва ижодида бағишланган китоблар, олий ва ўрта ўқув юрлари учун нашр этилган қатор дарслик, мажмуа ва ўқув кўлланимлари яратди. У шу даврдаги ўзбек адабиёти ва унинг йирик вакиллари ижодини миллий ғоя мезонлари асосида ўрганиш ишини биринчилардан бўлиб бошлаб берди.

Уз даврида академик Бахтиёр Назаров олимнинг адабиётимиз тарихи олдидаги хизматларига "Наим Каримов ўзбек адабиётшунослигида замонавий асарлар матншунослигига асос солди. Олим бу меҳнати мобайнида адабиётимиз тарихида биринчи бўлиб адибнинг чала қолган асарлари билан танишибгина қолмай, уларни чуқур ва атрафлича ўрганиш бахтига ноил бўлди... Айниқса, "Чўлпон" ҳамда "Мақсуд Шайхзода" маърифий романлари, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди борасида олиб борган тадқиқотлари бу адиблар ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича адабиётимизда янги саҳифалар очишдан ташқари, буюк сўз санъаткорлари ҳаёти ва ижоди ҳақида наинки илмий, балки бадийлашган илмий тафаккур юртишининг

ёҳуд Ойбек ҳақида ёзганимиз, барибир Қодирий даври ва унинг замондошлари билан боғлиқ фактларга дуч келаверган.

Бундан салкам қирқ йилча олдин ёзган бир мақоласига "Адиб яратган боғ" деб сарлавҳа қўйганди. Орадан йиллар ўтиб, академик олимимиз бу боғнинг ҳақиқий "боғбони" эканини яна бир қарра исботлади.

"Абдулла Қодирий замондошлари" китоби тарих ва адабиёт бирлашгани ҳамда тақдирлар чамбарчас уйғунлик касб этгани билан қимматли, икки соҳа учун ҳам бир хилда бой манбадир.

Академик Наим Каримов XX асрнинг бугун тарихга айланган оғир қатағон йилларида яшаган ва Абдулла Қодирий билан бевосита мулоқотда бўлган одамлар билан қўришган, суҳбат қурган ва илмий хулосаларга келган. Шунинг учун китоб бой ва турфа хил асосли маълумотларга эга. Муаллифга китоб қаҳрамонлари, уларнинг тақдир бегона ёки узоқ эмас. Бу китобни "бир асрлик тадқиқот" деб аташ мумкин. Зеро, Абдулла Қодирий ҳақида бу нашрга кирган маълумотлар салкам бир аср мобайнида йиғилган, ўрганилган, тажрибага бой нигоҳ ила тадқиқ этилган. Шуни учун Абдулла Қодирий ижоди бўйича олиб борилган тадқиқотлар ичида фидойи адабиётшунос олимнинг ишлари улкан аҳамиятга эга ва ишончлиги билан ажралиб туради. Наим Каримовнинг тили раво ва руҳиятининг лирик тасвирлари алоҳида эътибор қаратиши китобни янада ўқилиш қилган.

Муаллиф "Абдулла Қодирий замондошлари" китобидаги қаҳрамонларни адиб асарларидан айро қилмайди, уларни шунчаки тадқиқ ҳам этмайди, балки тарихий сабабларини чуқур ўрганиб, шахс ҳаёти, замон талатўплари, асарларининг матн тарихи ва матншунослик жиҳатларидан келиб чиқиб ёндашади. Бу эса муаллифга катта ва кенг манбалар йўлини очиб берган.

Китобнинг кўлами шу даражада каттаки, буни бутун бошли бир институт илмий ходимлари эмас, балки ёши тўқсонни қоралаётган олимнинг бир ўзи ёзгани хайрат ва катта ҳурмат уйғотади.

Ушбу китоб улуғ адибимиз Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва тадқиқ қилишда катта янгиллик, ёзувчи ижодини таҳлил этишда янги бир жаба очди. Унда адиб яхши таниган, билган, яқиндан муносабатда бўлган олим ва ёзувчилардан тортиб, оддий одамларга қамраб олинган. Шу жиҳати билан бу китоб Абдулла Қодирийнинг биз билган ва билмаган жиҳатларини янгидан англаш ва идрок этиш имконини беради. Ушбу асар нафақат мутахассислар, адабиётшунос олимлар, балки кенг китобхонлар даврасида севиб мутолаа қилинаётгани заҳматқаш олимнинг узоқ йиллик меҳнати самараси натижасидир.

Академик Н.Каримовнинг мазкур қомуси Ўзбекистон маданияти ва адабиётини ўрганишда гоят долзарб бўлиб, унда деярли унутилиб кетган ўзбек эътибор номлари ўрин олади. Янги давр ва айниқса, Учинчи Ренессансга қадам қўйилар экан, ушбу китоб ёш авлод тарихимизнинг қоронғу нуқталарини ёритишда, миллатимиз фидойиларини танитишда бир улуғ муқаддас бўлади. Ҳеч шубҳасиз, бугунги адабий жараён, миллий маънавиятимизда мазкур асарнинг ўрни бениҳоя юксак.

Абдулла Қодирий ижодини ўрганиш миқёсини Наим Каримов олиб борган илмий ва ижодий изланишларисиз тасаввур, тадқиқ этиш мумкин эмас. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофидинов таъбири билан айтганда, XX аср ўзбек адабиётининг иккинчи яридаги ривожланишни Наим Каримовсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Қомусни варақлар экансиз, муаллиф унда келтирилган фактлар муҳрланган минглаб саҳифалар чангини ютиб, уларни эринмай хижжалаб, мирдан-сиригача ўрганиб, катта бир илм билан ёзганлигига амин бўламиз.

Наим Каримовнинг ушбу қомусий асари буюк ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўрганишда янги бир босқични бошлаб беради ва ҳеч шубҳасиз, миллий маънавиятимизда, ёшлар тарбиясида алоҳида ўрин тутайди. Абдулла Қодирий сиймосида ўзбек адабиёти тарихини ўрганишдаги энг муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қиладиган ушбу мухташам асар адабиёт соҳасида давлат мукофотига ҳар жиҳатдан муносиб.

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори,
филология фанлари доктори,
профессор



НУҚТАИ НАЗАР

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ — НЕФТЬ ВА ГАЗ СОҲАСИДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ОМИЛИ



Абдулла МАГРУПОВ,
И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ (МТУ) университетининг Тошкентдаги филиали ижрочи директори

Инновацион иктисодиётга ўтиш шароитида замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, жумладан, нефть ва газ соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш амалиётини такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири саналади. Соҳада илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини йўлга қўйиш, таълим сифатини оширишга қаратилган эътибор замирида ана шу мақсад муҳассам.

Ўқув амалиётни жойларда филиал профессор-ўқитувчилари билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг етакчи мутахассислари олиб боради. Амалиёт жараёнида соҳага оид "Геологик қидирув технологияси", "Нефть ва газ қудуқларини бурғилаш", "Қудуқларни геофизик тадқиқ қилиш", "Сейсмик тадқиқотлар", "Нефть ишлаб чиқариш қувватларини ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш", "Газ ишлаб чиқариш объектларини, газ конденсатини ва ер ости омборларини ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш", "Қувур транспорти тизимлари объектларини қуриш ва таъмирлаш" каби мавзулар ўрганилади.

Филиалда талабалар асосий касбидан ташқари ишчи касбга эга бўлади. Амалий машғулотлар давомида талабалар электр газ пайвандчиси, бурғиловчи ёрдамчиси, нефть ва газ қазиб олиш оператори, ўлчов ускуналари чилангари, электр қурилмаларига техник хизмат кўрсатувчи электро-монтер каби касбларни ўрганмоқда. Бугунги кунга қадар 480 нафардан ортиқ талаба ўқув жараёни давомида асосий ўлаштирадиган касбидан ташқари ишчи касбига эга бўлди.

Ҳозир ўқув амалиёти биринчи курс талабалари учун соҳа билан таништирув, иккинчи ва учинчи курс талабалари учун ишлаб чиқариш, битирувчи курс талабалари учун эса битирув малака амалиёти шаклида ташкил этилади.

Амалиёт 1-3-курс талабалари учун июнь-июль ойларида, битирувчи курс талабалари учун май ойида ўтказилади. Машғулотлар давомида талабалар ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишиб, касб кўникмаларини ривожлантиради. Амалиёт якуни бўйича ҳар бир талаба ўз лойиҳаларини филиал профессор-ўқитувчилари олдида тақдимот қилади.

Филиал профессор-ўқитувчилари соҳанинг илғор ташкилотларида стажировка ўташи ҳам йўлга қўйилди. Асосан, бу тажриба гуманитар ва ижтимоий соҳа педагоглари учун ташкил этилмоқда. Натижада социология, тарих, чет тили каби фан



Янги 2022/2023 ўқув йилида филиалга ажратилган қабул квоталари доирасида 8 та таълим йўналиши бўйича 225 талаба ўқишга қабул қилинди. Имтиҳонлар шаффоф ва давлат талаблари доирасида ташкил этилди.

И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ (МТУ) университетининг Тошкентдаги филиалда ҳам мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда филиалда 8 таълим йўналишида 800 нафардан зиёд талаба тахсил олмақда. 2021-2022 ўқув йилида филиални 255 талаба битирди. Айни пайтда улар "Ўзбекнефтьгаз" АЖ тизимида, "Enter Engineering Pte.Ltd.", "Лукойл Ўзбекистон Оперейтинг Компани", "ERIELL Oilfield Services Middle East DMCC" каби нуфузли халқаро ташкилот ва компанияларда ўз иш ўринларига эга бўлди.

"Ўзбекнефтьгаз" АЖ доимий равишда асосий кадрлар буюртмачиси сифатида филиал очилгандан буён (2007 йил) унинг ўқув-илмий ҳаётида мунтазам иштирок этиб келади. Битирувчиларнинг иш билан таъминланиши, талабаларнинг барча турдаги ишлаб чиқариш амалиётлари ташкил этилиши бунга мисолдир.

Филиалда талабалар амалиёти учта йўналишда амалга оширилмоқда.

Авалло, бу ерда дуал таълим ташкил этилган. Сунгги тўрт йилда филиал "Ўзбекнефтьгаз" АЖ тизимидаги корхоналар билан изчил муносабатларни йўлга қўйди. Бу эса, ўз навбатида, ўқув машғулотларини амалиёт билан қўшган ҳолда "Ўзбекнефтьгаз" АЖ тизимида ташкил этиш имконини беради.

Масалан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Газли, Муборак ва Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармалари ҳамда "Ўзнефтьгаз бурғилаш ишлари" масъулияти чекланган жамиятларида талабалар ўқув амалиёт машғулотларида ўз назарий-амалий билимларини ўстириш, келажакда касбнинг барча нозиклиги ва сирларини ўрганиш учун ноёб имкониятга эга бўлди.

педагоглари соҳанинг нозик жиҳатларини жойларда яқиндан қўриб, танишиб, таълим жараёни соҳага йўналтирган ҳолда янада юқори поғоналарга кўтаришга қодир бўлишга эришди.

Янги 2022/2023 ўқув йилида филиалга ажратилган қабул квоталари доирасида 8 та таълим йўналиши бўйича 225 талаба ўқишга қабул қилинди. Имтиҳонлар шаффоф ва давлат талаблари доирасида ташкил этилди.

Ҳозир филиалда янги ўқув йилига тайёргарлик бўйича қизгин иш олиб борилмоқда. Бунда мавжуд ижобий иш тажрибаларини сақлаб қолган ҳолда, янги ўқув йилида дуал таълим амалиётини такомиллаштириш, ўқув машғулотларига хоржий мутахассислар билан бирга амалиётдан ҳам тажрибали мутахассисларни кенг жалб этиш, талабаларда илмий тадқиқотчилик, ташаббускорлик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи илмий-инновацион лойиҳаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўқув жараёни инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш, ахборот-ресурс таъминотини такомиллаштириш, замонавий ўқув адабиётлари, электрон таълим ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари билан таъминлаш, профессор-ўқитувчиларнинг касб маҳоратини, илмий-инновацион фаоллигини ошириш, талаба ёшларнинг ижтимоий ҳимояси, уларнинг бўш вақтини самарали ташкил этишининг янги шакллари амалиётга киритиш кабилар фаоллаштирилган устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Филиал жамоаси бор куч ва имкониятларини ишга солган ҳолда, танлаган касбининг моҳир эгаси, Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда ўзини тўлақонли намойиш қила оладиган малакали мутахассисларни тайёрлашда давом этади.

МУАЛЛИФ "АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ЗАМОНДОШЛАРИ" КИТОБИДАГИ ҚАҲРАМОНЛАРНИ АДИБ АСАРЛАРИДАН АЙРО ҚИЛМАЙДИ, УЛАРНИ ШУНЧАКИ ТАДҚИҚ ҲАМ ЭТМАЙДИ, БАЛКИ ТАРИХИЙ САБАБИЯТЛАРИНИ ЧУҚУР ЎРГАНИБ, ШАХС ҲАЁТИ, ЗАМОН ТАЛАТЎПЛАРИ, АСАРЛАРИНИНГ МАТН ТАРИХИ ВА МАТНШУНОСЛИК ЖИҲАТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ЁНДАШАДИ. БУ ЭСА МУАЛЛИФГА КАТТА ВА КЕНГ МАНБАЛАР ЙЎЛИНИ ОЧИБ БЕРГАН.



Абдулла Қодирий дастлаб ижодини шеърлар ёзишдан бошлаб, ўзининг кўплаб мақолалари, публицистик ва саҳна асарлари, ҳажвий ҳикоялари билан ҳам ном қозонди, эл оғзига тушди. "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" асарлари билан эса ўзбек адабиётида романчиликка асос солди.

Унинг "Ўткан кунлар" романи Туркистон ўлкасидаги барча кўшни давлатлардан тортиб, узоқ ўлкаларга етиб борди. Адиб ушбу мухташам асари тимсолида қадимдан давом этиб келаётган шарқона достончилик анъаналарига суянган ҳолда, XX аср арафасида турган инсоннинг тафаккурига, шахдига, шижоатига мослаб Шарқу Фарғ бадийиятини синтез қилган янги бир ижод намунасини яратди. Бу бир эксперимент эди. Шу илк экспериментнинг ўзидаёқ адиб ўзининг иқтидори, бадийий салоҳиятини тўла намойиш эта олди.

Уз халқининг ўтмиши, миллий маданияти ва қадриятларига бўлган собит муносабат, миллатнинг келажagini унинг эркида, озолигида, маърифатида кўриш, ўзбекона тафаккур, ўзбекона урф-одат, ўзбекона характер ва образ, ўзбекона менталитетни бектор бадийий тасвир воситалари орқали тасвирлаб бериш ёзувчининг бош мақсади бўлган. Шунинг учун ҳам бу асарни ўзбек халқи қадриятларининг бадийий "қомуси" дейишимиз мумкин.

Адибнинг "Ўткан кунлар" романи ва бошқа асарларининг шу қадар шуҳрат топишининг сирини-синоати нимада? Бизнинг назаримизда, бу саволга жавобни академик Наим Каримовнинг "Абдулла Қодирий замондошлари" китобидан топамиз.

XX аср адабиётшунослиги, янги аср маданияти ҳамда адабиётда академик Наим Каримовнинг алоҳида ўрни бор. Бу фидойи, заҳматқаш олимнинг умри том маънода адабиёт ва санъатимиз ривожига, улуғларимиз

ЗИЁ

БҮЮК МУҲАДДИС

Имом Бухорийнинг улуглиги сабаблари: дунё олимлари нима дейди?



Ҳайдарали ЮНУСОВ,
ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти
катта илмий ходими,
Оксфорд университети
Ислом тадқиқотлари марказининг
Имом Бухорий ва Имом Термизий
гранти совриндори



2022 йил 15 августда Ўзбекистон Президенти томонидан “Имом Бухорий” ордени тасвир этиш тўғрисидаги қонун имзоланди. Қонунга мувофиқ, ордени икки даражадан иборат бўлиб, “Олий даражали Имом Бухорий” ордени ҳамда “Имом Бухорий” ордени кўринишида бўлади. Мазкур ордени билан илм-фан ва маданият, жумладан, ислом маърифати ривожига ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш ҳамда тарғиб қилишда катта ютуқларга эришган ватандошлар ва хорижлик фуқаролар мутафотланади.

ас-саҳиҳ”лари ва Абу Довуд Сулаймон (вафоти милодий 889/ҳижрий 275 й.), Аҳмад ибн Шуайб ан-Насоий (вафоти милодий 915/ҳижрий 303 й.), Ибн Можа ал-Қазвиний (вафоти милодий 886/ҳижрий 273 й.)нинг “Сунан”лари мана шу даврда дунёга келди.

Булар орасида дунё бўйлаб энг кўп тарқалган Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадислар тўпламидир. Аксарият манбаларда Имом Бухорий 600 мингта ҳадисдан 200 мингтасини ёд билгани, шундан 7275 тасини саҳиҳ сифатида тақдим қилгани қайд этилади.


Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадислар тўплами асли араб тилида битилган, кейинчалик кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган ҳамда қайта ва қайта нашр этилган. Уларнинг энг кўп тарқалган таржималари инглиз тилида бўлиб, аксарияти Буюк Британия кутубхоналарида сақланади. Имом Бухорийнинг ўзи ҳақидаги асарлар ҳам турли тилларда битилган бўлса-да, уларнинг энг оммалашганлари инглиз тилидадир. Ислом дини кенг ёйилган Индонезия, Малайзия, Бангладеш, Покистон, Нигерия, баъзи араб давлатлари ва қисман Ҳиндистонда инглиз тилининг расмий ва илм-фан тили сифатидаги мақоми бунинг сабабларидан бири бўлиши мумкин. Шу боис, Имом Бухорий ҳақида маълумот берувчи манбалар ичида инглиз тилида ёзилган ёки маҳаллий тиллардан инглиз тилига таржима қилинганлари салмоқли ўрин эгаллайди.

Имом Бухорийнинг ҳаёти ва фаолиятига бевоқиф бағишланган монография асарлар нисбатан кам учрайди. Чунки буюк аллома ҳақида асар ёзишга журъат этадиган қалам соҳиблари барча замонларда санокли бўлган. Аммо исломшуносликнинг турли мавзулари доирасида Имом Бухорий ва унинг фаолияти ҳақида сўз юритилган биввосита асарлар талайгина. Бундай асарларда аллома ҳақида тўлиқ маълумотлар берилмаса-да, улуг муҳаддис шахсининг у ёки бу қирралари турли мавзулар оҳангида баён этилади.

Европа тилларида исломшунослик, айниқса, ислом тарихи ва манбашунослиги соҳасида ёзилган асарларнинг деярли барчасида Имом Бухорий номи ва унинг “Саҳиҳ”и қайд этилади. Европалик умумто исломшунослар Жозеф Шахт, Игнац Гольдциер, Харальд Моцки ва бошқаларнинг

асарларида ҳам ҳадис бобида Имом Бухорийга муносабат қилинади. Европа ва Шарқ исломшунослари Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” асарини энг ишончли манба сифатида қайд этади.

Охириги 15 йиллик даврни олсак, Имом Бухорий ҳақида инглиз тилида ёзилган монографик асарлар сирасига асли покистонлик бўлган доктор Ҳасан Абдул Жабборнинг 2007 йилда Оксфордда нашр қилинган “Бухорий” асарини киритиш мумкин. Унда Имом Бухорийнинг ҳаёти ва фаолиятига оид умумто манбаларга ҳаволалар қилинади. Асарда Имом Бухорийнинг ҳаёти, талабалик даврлари, саёхатлари ва ҳадис илмидаги бемисл ўрни хусусида қизиқарли маълумотлар берилди. Доктор Абдул Жаббор Имом Бухорийнинг туғма хотира соҳиб бўлганини бир неча марта таъкидлайди ва манбаларга таянган ҳолда аниқ мисоллар билан батафсил таърифлайди. Унинг ёзишча, Имом Бухорий фақат туғма хотира билан чекланиб қолмаган, балки



ўз қувваи хофизасини муттасил кучайтириб борган. Муаллифга кўра, Бухорий бир шаҳарда эшитган ҳадисини ўша жойнинг ўзидаёқ ёзиб олган, балки уни муайян муддат хотирасида сақлаб юрган ва кейинги шаҳарга етиб боргандагина ўзи учун қайд қилиб ёзиб қўйган. Имом Бухорий 16 йиллик меҳнатдан сўнг, 39 ёшида “Саҳиҳ”ни ёзиб туғатган, умрининг қолган қисмини ҳадис сабоқларида бахшида этади. Муаллифнинг билдиришича, Бухорий юртма-юрт кезиб, 90 мингдан ортиқ талабага шахсан ўзи саҳиҳ ҳадисларини етказган. Асарда Муҳаммад (с.а.в.)га муҳаббат ва илҳос Бухорийни кўйилган сари етказган омил эканига ишора қилинади. Шунингдек, буюк муҳаддиснинг сўнги кунлари ва улимидан олдинги васияти ҳақида маълумот берилди.

Имом Бухорий илмида ҳолис, инсонийликда эса жуда хоҳисор бўлган. Муҳаддис Хуросонда бир муддат яшаган пайтларида вилоят ҳукмдори Халид ал-Зухалий Бухорийдан унинг хонадонига келиб, фарзандларига “Саҳиҳ” ва

ҳадис илмидан сабоқ беришини сўрайди. Бухорий унинг таклифини рад этади. У Халидга унинг фарзандларини ўз талабалари орасида қўришдан хурсанд бўлишини, аммо унинг уйига алоҳида дарс бериш учун бора олмаслигини маълум қилади.

Яна бир манба сифатида Имом Бухорий “Саҳиҳ”ининг инглиз тилидаги 9, 3 ва 2 томлик таржима нашрларини келтириш мумкин. Уларнинг муқаддимида буюк муҳаддис ҳақида қисқача маълумотлар берилди. Хусусан, Мадина ал-Мунаввара Ислом университети доктори Муҳаммад Муҳсин Хон томонидан инглиз тилидаги 9 томлик “Саҳиҳ ал-Бухорий маъноларининг таржимаси” асарининг кириш қисмида айтилишича, “Машҳур бўлишига қарамай, Бухорий ҳақонийлиги ва хоҳисорлиги боис, ҳукмдорлардан ўзини узоқ тутарди. Уларнинг раъйига қараб, бирор нотўғри сўз айтиб қўйишдан ўзини тийради. Зотан, уша замонларда аксар олимлар ҳукмдорларнинг назарига тушиш учунгина ҳадис илми билан шуғулланарди”.

Нигериялик ислом ҳуқуқшунос олими Раҳмон Доийнинг Лондонда чоп этилган ва кенг тарқалган “Ислом ҳуқуқи” китобида келтирилишича, Бухорий ҳадисларни саралаш жараёнида уларнинг муслмонлар яшаш тарзи ва кундалик ҳаёти учун қанчалик аҳамият касб этишини ҳам эътиборга олган. У ҳадислар муслмонлар учун барча соҳада оқ ва қорани ажратиб берувчи қўллана бўлиши зарур, деб ҳисоблаган.

Қўрида эслатилган олти саҳиҳ ҳадислар тўплами (*Сихохи ситта*) орасида Бухорий ва Муслим томонидан яратилган “икки саҳиҳ” (*ас-саҳиҳайн*) энг машҳурларидир. Уларнинг иккинчи ўртасида нисбийлик ўтказилганда, Имом Бухорийнинг ҳадисларига устуворлик берилди. Малайзияда 2008 йилда чоп этилган “Ҳадис ва сунна” китобида Имом Бухорийга бағишланган кичкина бўлим мавжуд бўлиб, унда муаллифлардан бири Муҳаммад Али Имом Бухорийнинг устунолигини асослаб беради. Худди шундай ёндашув Саид Абдулло томонидан 2006 йилда Нью-Йорк ва Лондонда чоп этилган “Ислом таълими” асарида учрайди.

Муаллифлар Имом Бухорийнинг Имом Муслимдан устунолигини қуйдагича изоҳлайди: **Биринчидан**, Имом Бухорий Имом Муслимдан кўра кўпроқ ҳадис йиғишга муваффақ бўлган. Бухорий 600 мингта ҳадисдан 7275 тасини, яъни уларнинг бор-йўғи 1.5 фоизини саҳиҳ сифатида танлаб олган. Муслим Нишопурий эса 300 мингта ҳадис тўплаган бўлиб, шундан 12 мингтасини, яъни 4 фоизини саралаб олган. Мазкур миқдорий кўрсаткичлар Имом Бухорий томонидан жуда катта ҳажмдаги иш ўта синчковлик билан амалга оширилганидан дарак беради; **Иккинчидан**, ҳар икки муҳаддис томонидан ҳадис ривоят қилувчи ровийларга қатъий талаблар қўйилган,

айниқса, Бухорий уларнинг зиёлилик даражаси ва академик салоҳиятига алоҳида эътибор қаратган. Бухорийнинг саралаш мезонларига кўра, айни бир ҳадисни кетма-кетликда нақл қилаётган икки ровий (ҳадис етказувчи)нинг ҳар бири ўз устозидан айрича таълим олган бўлиши, айни бир замонда ва маконда яшаган бўлиши ва албатта, бир-бири билан юзма-юз учрашиб, бири иккинчисидан тегишли ҳадисни ўзлаштирган бўлиши лозим. Муслим ровийларга бундай талаб қўймаган: икки ровийнинг айни бир замонда ва маконда яшаганининг ўзи kifoya, улар ўзаро учрашиб, бир-бирдан ҳадис ўрганганини ишобот-лаш шарт эмас, деб ҳисоблаган. Худди шу жойда Муслимнинг саҳиҳ ҳадисларни саралаш мезони бўйича ровийлар ўртасидаги узвийлик талаби Бухорий талабидан кўра заифроқлигини намоян қилади. Шу боис, Бухорий ҳадислари исломда Куръондан кейинги энг ишончли манба сифатида қўрилади.

Умуман, Имом Бухорийнинг бошқа муҳаддислар билан таққослаганда, унинг қуйдаги устунолиқлари кўзга ташланади: **Биринчидан**, Имом Бухорий ҳадис илми гурираган даврда яшаб ўтган ва олти саҳиҳ муҳаддиснинг энг ёши улуги бўлган. Бунинг аҳамияти шундаки, бошқа йирек муҳаддислар унинг тўпламидан андоза олган ва ҳадис билан боғлиқ мавзуларда Имом Бухорийга сўянган, ҳадис тўплаш ва уларни саралашда услубий жиҳатдан унинг изидан борган;

Иккинчидан, Имом Бухорий ҳадисларнинг саҳиҳлигини текширишда жуда танқидий ёндашган, ҳар бир далилнинг синчковлик билан текширган ва ушбу улуг вазифага ўзини бутунлай бахшида этган;

Учинчидан, Бухорий табиятан ўта зийрак, ўткир заковат ва ақлий салоҳият соҳиб, туғма истеъдод ва кучли хотира эгаси бўлган. Унинг бу хислатлари кўплаб манбаларда ўз исботига эга;

Тўртинчидан, Имом Бухорий ҳадислар тўпламидаги ҳар бир бобнинг Куръони карим матни билан узвийлигини таъминлаган. Бу билан исломнинг ушбу икки манбасини уйғунлаштирган ва ҳадислар воситасида Куръонни тушуниш ва англаб олишни оsonлаштирган;

Бешинчидан, Бухорий ҳадислар тўпламининг яратилишида усули фикҳ мезонларига риоя этишга ҳаракат қилган. Бошқача айтганда, Имом Бухорий ҳадисларга шундай тартиб берганки, натижада бирламчи манбадан ҳукм ҳосил қилиш фақиҳлар учун қўлайлик туғдирган. Исломшунослар Имом Бухорий усул ал-фикҳдан тўлиқ хабардор бўлгани тахмин қилади.

Бухорийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси бетакордир, унинг ҳадислар тўплами эса фавқулодда мукамаллик касб этади. Шу боис, Имом Бухорий ҳадислари бутун ислом дунёсида кенг тарқалди, унинг ўзи буюк муҳаддис сифатида шухрат қозонди.

Президентимиз фармони билан Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли қўшма дастур ва лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишдаги улкан ҳиссаси учун Саудия Арабистони Подшоҳи, Икки муқаддас масжид ходими Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд “Олий даражали Имом Бухорий” орденининг илк соҳибига айланди.

Юксак муқофот Ўзбекистон Президентининг Саудия Арабистонига давлат таширфи чоғида топширилди.

Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг муборак руҳи-поклари ором топан Мадинаи мунаввара шаҳрида Имом Бухорий масжиди қад ростлаб турибди. Саудлар юртида Имом Бухорий ватандошларига хурмат-эътибор бениҳоя юқори.

Дарҳақиқат, буюк ватандошимиз Имом Бухорий номи билан аталадиган масжидлар, кироятхоналар, олий таълим муассасалари, наشريётлар, қадимжоларни қурраи заминнинг турли бурчакларида учратиш мумкин. Дунёнинг энг машҳур олийгоҳларидан бири бўлмиш Оксфорд университети Ислом тадқиқотлари марказининг кириш қисмидаги биринчи дарсонга (аудитория) Имом Бухорий номи билан юритилади. Бу ерда дунёнинг атоқли олимлари талабалар учун маърузалар ўқийди, ислом илмининг энг охири ютуқлари жаҳон аҳлига тақдим этилади.

Имом Бухорий буюк муҳаддис сифатида барча муслмонлар томонидан бирдек улуғланади. Шундай экан, “Бухорийнинг буюклиги сабаблари нимада”, “У ҳақида дунё олимлари қандай фикрда, умуман, дунё олимлари Бухорий ҳақида нималар билади ва унинг меросини қандай баҳолайди” каби саволлар туғилиши табиий.

ЁШЛАР — ЮРТ ТАЯНЧИ

Адиблар хиёбони шу кунги тонгни ўзгача қарши олди. Дўстларидан олдин хиёбонга етиб келиб, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон хайкали қаршида ўз ҳаяжонларини мисраларга жо қилиб ўтирган ўқувчи қизни кўриб, улуг шоиримизнинг “Адабиёт... ўткир юрак қирларини ювадиргон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладургон, чанг ва тупроқлар билан тўлган кўзларимизни артув тозалайдургон булоқ суви бўлганликдан бизга гоят керакдур”, деган сўзларини эсладик.

Ниҳоят, хиёбонга Республика ёш ижодкорларининг анъанавий семинари иштирокчилари саф тортиб кириб кела бошлади. Улар ўзбек адабиётининг забардаст ижодкорлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва вилоят бўлимлари вакиллари ҳамроҳлигида Алишер Навоий хайкали пойига гуллар қўйди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон халқ

“МЕН ЖИЛҒАМАН, ДАРЁ БЎЛИБ ТЎЛГИМ КЕЛАДИ”

ЁХУД ҲАР САБОҒИ ОЛТИНГА ТЕНГ ЛАҲЗАЛАР

ёзувчиси Исажон Султон, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенгесбой Каримов, Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими раҳбари Ҳаётхон Ортиқбоева сўзга чиқиб, адабиёт оламига ўз сўзи билан кириб келаётган ёшларга оқ йўл тилади. Ёзувчилар уюшмаси раиси уринбосари Ботир Эргашев 85 нафар ёш ижодкорнинг ижод намуналарини ўрин олган “Энг гуллаган ёшлик чоғимда” баёзи нашрдан чиққани, у барчага туҳфа этилишини эълон қилди.

Шундан сўнг семинар иштирокчилари Дўрмон ижод уйига жўнаб кетди. Дўрмон ижод уйига кириб борар эканмиз, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг мана бу мисралари ёдимизга тушади:

*Дўрмон боғларида чўқади оқшом,
Намушу шамоллар ҳам ела бошлади.*



Наъматак ортида хоргин, беором, Асқад Мухтор кела бошлади.

— Республикаимизнинг энг иқтидорли ёшларини вилоятимизда кўриб турганимиздан гоят мамнунмиз, — деди Тошкент вилояти маънавият ва

маърифат маркази раҳбари Сайёра Файзиева. — Бу йигит-қизлар орасидан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева каби улуг ижодкорлар чиқишига ишонамиз. Улар бугун катта ва шарафли йўл бошида турибди. Улар келгусида халқимиз севиб

мутолаа қиладиган асарлар муаллифи бўлишини тилаб қоламан.

Тадбир якунига етгач, иштирокчилар назм, наср, драматургия, бадий публицистика, бадий таржима, болалар адабиёти, рус адабиёти, адабий танқид йўналишлари бўйича шўба-ларга бўлинган ҳолда устозлар билан мулоқотга киришди.

Бадий таржима шўбасида ҳам ижодий жараён авж палласида. Таниқли шоир ва таржимон Фахриёрнинг бадий таржимадаги муаммолар борасидаги мулоқотлар бизда ҳам қизиқлиш ўйотди:

— Утган йили “Ладомир” нашриёти буюртмаси билан 40 нафардан ортиқ ўзбек шоирининг шеърларини рус тилига тағлама таржима қилиб бердим. Ана шу жараёнда кўрдимки, дунёга кўрсатса, фахрланса арзийдиган шеъримиз бор экан. Биргина мисол, бу йил Туркияда бўлиб ўтган шеърят фестивалида таниқли шоир Эшқобил Шукур бош муқофотни олиб келди. Халқаро адабиёт фестивалларида иштирок этиб, ўзаро мулоқотни йўлга қўйсак, адабий алоқаларимиз ривожланади, шеърятимиз ҳам янада юксалиб бораверади. Ёш ижодкорларнинг нигоҳини глобал миқёсдаги адабий жараёнларга қарата олишимиз зарур, деб биламан.

Семинарнинг учинчи кунги иштирокчилар Паркент ижод уйига йўл олди.

Ёш амфитеатрда “Биринчи китобим” лойиҳасига тасвир этилган 25 нафар ёшнинг илк китоблари тақдироти бошланди.

— Эркин Воҳидовнинг “Тонг нафаси” номи илк шеърлар тўплами адабиётимизга янги нафас олиб киргани бежиз эмас, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров. — Абдулла Ориповнинг “Митти юлдузи” эса ўз баҳоратлари билан ўтган асрнинг 60-йилларида адабиётимизга ўзгача бир юксалиш зиллари қўйилишига сабаби бўлган эди. Кеча сабоқлар чоғида ҳазрат Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асаридан бир мисрадан мисол қилиб келтирдим. Томшиқок феълнинг “томшиқ-томшиқ” шаклда қўллангани менга жуда қаттиқ таъсир қилган, Навоий ижодидаги қизиқ бир ҳодиса бўлиб кўринган. Мен ҳам ёш ижодкорлар Рашид Хужамовнинг “Альямон” ва Жамолдин Бадаловнинг “Утинч” китобларини томшиқ-томшиқ ўқиб чиқдим, десам адашмаган бўламан.

Тўрт томони тоғлар билан ўралган бу хушраво ижод маконида ижод чўққиларини кўзлаган оловқалб ёшлар янги-янги режалар, юксак мақсадлар сурурини кўнгилга жойлаган бўлса, ажаб эмас!

Мухтасар
ТОЖИМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-864.
81651 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоғ бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Бекрўл Эгамқулов
Мусахҳиж: Умар Қодиров
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй